



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2021 йил 13 август, № 170 (7950)



Жума



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт тарзини юритишига кўмаклашиш ҳамда имкониятларини ошириш учун уларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, соҳада ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2021 йил 28 июль кунги ўтказилган ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида:

1. Қўйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларга, айниқса, болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини бугунги босқичда яхшилашнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

мактабгача ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларни замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш орқали мослаштирилган (адаптив) ўқув тизимини жорий қилиш;

кохлеар имплантатларини ўрнатиш бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказишдан олдин ва ундан кейинги реабилитация жараёнини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ бепул амалга ошириш;

болаларни туғма, патологик ва орттирилган суяк-мушак тизимидаги ўзгаришлар ва деформацияларни даволаш учун зарур бўлган тиббийёт буюмлари ва эндопротезлар билан ўзлуксиз таъминлаш, жумладан, экзоскелет ускунасини олиб кириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг оддий ҳаётга мослашувини тезлаштириш;

бош миёдаги патологик ўзгаришлар (жумладан, гидроцефалия) билан тузилган болаларнинг, шунингдек, янги туғилган чақалоқлар, болалар ва ўсмирлардаги туғма юрак нуқсонларининг жарроҳлик амалиётини ўтказишни давлат таъминотиغا олиш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ВАТАНДОШЛАР» ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жиғлаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрлиниш туйғусини юксалтириш, миллий ўзлиқни сақлаб қолиш, ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш мақсадида:

1. Ташки ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, «Тараққиёт стратегияси» марказининг улар муассислигидаги нодавлат нотижорат ташкилоти — «Ватандошлар» жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Фонд фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, ватандошлар истиқомат қилаётган мамлакатларнинг қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

хорижда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган ватандошларни белгиланган тартибда моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

хорижда юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш;

ватандошлар томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмалари фаолиятини рағбатлантириш, уларга хорижда ўзбек миллий маданий марказларини ташкил этишда аълоий ёрдам кўрсатиш;

хорижий давлатларнинг таълим ўзбек тилида олиб борилаётган муассасаларида педагог кадрларга бўлган мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, хорижда истиқомат қилаётган иқтидорли ватандошларимизнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олишлариغا қўмак кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда).



МАЪРИФАТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР Ўзбекистондаги барча ўзгаришлар меҳварида нур сочиб турибди

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Ва бу йўлдан олдинга қараб жадал ҳаракат қилмоқда. Муҳими, мазкур тенденция ҳар қандай шароитда, ҳатто коронавирус пандемияси тобора авж олаётган ҳозирги мураккаб даврда ҳам

■ Нуқтаи назар

асло тўхтаб қолгани йўқ, Аксинча, синовлар ҳалқимиз ва давлатимизни янада жиғлаштирмоқда, янги марраларга етиб бориш йўлида тоблантипти. Булар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзаро ҳамжиҳатликда муаммоларга қарши қатъий тура олаётгани, конструктив ечимларни таклиф этаётгани ва уларнинг ижросида тобора фаоллашаётгани, жамоатчилик назорати кучаяётгани, муҳими, боқимандалик кайфияти ўрнини янги билимларни ўзлаштириш иштиёқи эгаллаб бораётгани мисолида аққол намоян бўляпти.

■ Кўклам ва тонг нафасидан кўра самаралироқ

Аслида ҳам одамлар қанча аҳил ва меҳнаткаш бўлса, ислохотларнинг жадаллиги шунча ошади, самарадорлиги кенг таъминланади.



Юртимизда бундай зарур муҳитнинг юзага келгани бежиз эмас. Машҳур файласуф Гэнри Девид Торо «Афтидан, айнан бизга аталган сўзлар бор, агар бу сўзларни эшитиб, англай оласан эди, улар бизга кўклам ва сарҳаддан кўра самаралироқ таъсир кўрсатарди, бизни ҳаётга бошқача кўз би-

лан қарашга мажбур этарди», деб айтган эди.

Президент томонидан янги Ўзбекистон-ни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар замирида ана шу сўзлар таъсири, шунга уйғун амаллар ифодасини кўрамиз.



➡ 4

Фойдали мулоқотлар ва амалий ечимлар

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини муносиб нишонлаш, Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, шунингдек, иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, аҳоли, жумладан, хотин-қизларнинг онгу шуурига истиқлол ғояларини чуқур сингдириш мақсадида жойларда сенаторлар иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

■ Сенатор ва ҳаёт

Ана шундай мулоқотлардан бири сенатор Абдир Хусеинова иштирокида Ёғдудов туманида ташкил этилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг хотин-қизлар ва оилалар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, маҳаллалар фаоллари қатнашди.

Тадбирда 1991 йил 31 августда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги, мамлакатимиз

истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, дунёнинг қўллаб-қувватлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда манфаатли алоқалар олиб бораётгани, айниқса, охириги йилларда барча соҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилгани хусусида сўз юритилди.

Мулоқотда хотин-қизлар масалаларига бўлган эътибор ошгани қайд этилиб, кейинги 5 йил давомида мамлакатимиз

мизда гендер тенгликка оид олиб борилаётган сиёсат, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти очиб берилди.

Сенатор Манзураҳон Салимова Қўштепа, Риштон, Ёзёнов ва Учқўприк туманларида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашди.

Мулоқотларда Сенат аъзоси «Мустақиллик — улугъ неъмат» мавзусида маъруза қилиб, давлат дастурларида фан ва таълимни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган вазифалар ижроси юзасидан бажарилган амалий ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижалари таҳлил қилинди.

Учрашуларда Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган 7 та қонунга батафсил тўхта-

линди. Хусусан, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида»ги амалдаги қонунларга санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар доирасида профилактик эмалашлар ўтказишни жорий этиш чораларини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани таъкидланди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида хотин-қизлар ва гендер тенглик масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу маънода, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси зиммасидаги вазифалар аълолари низоҳатда кенг. Қўмита аъзолари жойлардаги юзма-юз учрашуларда аёлларнинг жамиятдаги ролини янада мустаҳкамлаш учун амалий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.



➡ 2

■ Халқаро анжуман

ГЛОБАЛ ҲАРАКАТЛАРГА ЁШЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Кеча пойтахтимизда Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш мавзусида ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон анжумани ўз ишини бошлади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нўқтида илгари сурилган ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланган ташаббус асосида ташкил қилиниб, унда 30 дан ортиқ хорижий давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

Конференцияда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кутлов сўзи билан қатнашди.

Қайд этилганидек, юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, кейинги 5 йилда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига доир 50 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун шулардан биридир. Ҳаракатлар стратегиясида ҳам навқирон авлод масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ҳужжатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Олий Мажлис палаталарида Ёшлар парламентлари ташкил этилган бўлиб, улар айна пайтда самарали ишламоқда. Бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 260 нафардан зиёд ёш депутатлар фаолият олиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Тадбирда мамлакатимизда йигит-қизларни билим олиш, маданият, санъат, спорт, иттиҳонлик ва компьютер технологияларини ўрганишга кенг жалб қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилгани ҳам айтиб қўйиб чиқилади.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун мавжуд халқаро механизмларни бугунги талаблар даражасида такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Конференцияда Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш қандай декларация қабул қилиниши ҳам режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Сўз – иштирокчилар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Мартин Чунгонг, Парламентлараро Иттифок Бош қотиби:

— Бундай долзарб мавзудаги анжуманда иштирок этиш мен учун катта шараф. Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда бўлиб, Президент Шавкат Мирзиёев, Сенат Раиси Танзила Норбоева билан учрашганимда Ўзбекистонда ёшларга оид амалий ташаббуслар фаол ўртага ташланаётгани, бу борада жиддий қадамлар қўйилганига гўвоҳ бўлдим.



➡ 2

КОДЕКС ЛОЙИҲАСИДА УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАНДАЙ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛЯПТИ?

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мутахассислар иштирокида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

■ Фикр

Таъкидлаш жоизки, уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳлият тизими мавжуд эмаслиги давлат томонидан изчил уй-жой сиёсатини амалга оширишни мураккаблаштирмоқда. Уй-жой ва Фуқаролик кодексларида назарда тутилган айрим нормалар бир-бирини тақрорлагани ёки уларнинг мазмунини ўзаро зид келганлиги, ҳуқуқни қўллаш жараёнида турли шарҳлашларни,

низоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Шундан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳўш, мазкур кодекс лойиҳасида уй-жой билан боғлиқ қандай механизмлар жорий этиляпти?

Ушбу лойиҳада биноларни тураржой сифатида таснифлаш, тураржойлар ва нотураржойлар

тоифасига ўтказиш, уй-жой фондини ҳисобга олиш ва тураржойларни фонддан чиқариш, давлат уй-жой назорати, хусусий уй-жой фондининг тураржойларидан фойдаланиш ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари ўз аксини топмоқда.

Кодекс лойиҳасига уй-жой қуриш, қўп хонадонли уйлари қайта қуриш ва қайта режалаштириш, фуқароларни тураржой билан таъминлаш, уй-жой кооперативларини ташкил этиш ва кооператив уйлاردан тураржой олиш ва улардан фойдаланиш бўйича аниқ нормалар киритилмоқда.

Лойиҳани ишлаб чиқишда МДҲ мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозғоғистон ва Озарбайжоннинг соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари атрофича ўрганилди.



➡ 2

«ВАТАНДОШЛАР» ЖАМОАТ ФОНДИ

ЧЕТ ЭЛДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖИПС БЎЛИБ БИРЛАШИШГА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги куннинг муҳим янгиликларидан бири бу, шубҳасиз, "Ватандошлар" жамоат фондининг ташкил этилгани бўлди. Фонд Ўзбекистон маданиятини чет элда намойиш қилиш ва инвесторларни жалб этиш, савдо-иқтисодий ва ишбилармонлар ўртасида алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради.

Ўз навбатида, бизнинг фаолиятимиз ҳам фонд мақсадларига ҳамоҳангдир. 10 йил олдин Франция — Ўзбекистон илдишлари уюшмасига асос солган эдик. Утган йиллар давомида юртимизнинг бой илмий, маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиб келяпмиз. Келгусида "Ватандошлар" жамоат фонди билан турли лойиҳаларни биргаликда ҳаётга татбиқ этиб, мамлакатимизнинг халқро обрўсини янада оширишга, хорижда юрган юртдошларимиз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳисса қўишига тайёرمىз.

Абдулазиз БАГИЕВ, «PETRONAS» компанияси ходими (Малайзия):

— Ўзбекистонда кечаётган жараёнларни мунтазам кузатиб бора-

ман. Юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ улкан иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётгани мен каби хорижда яшайдиган ватандошларга қувонч ва ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Шу жумладан, Малайзияда истиқомат қиладиган барча юртдошларимиз Ўзбекистон Президентининг "Ватандошлар" жамоат фонди ташкил этилиши тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан бениҳоя мамнун бўлди.

Маъзур фонд хорижий юртлардаги ватандошларимизни мамлакатимиздаги ислохотлар жа-

раёнига кенг жалб қилишга катта туртки беради, деб ўйлайман. Бу Ўзбекистонимиз тараққиёт-и йўлида барчани янада жипслаштиришга қўмаклашайди.

Хорижий элларда ўзбек тили ва адабиётини, маданий ва илмий меросимизни оммалаштириш ҳам янги ташкил этилган фондининг вазифалари сирасига кириши катта эътиборга сазовордир. Бу Ўзбекистоннинг илмий, маданий ва сайёҳлик салоҳиятини янада бойитиш ва кенг миқёсда тарғиб этиш нуктаи назаридан қўшимча имкониятларни яратеди.

Фарҳод НИЁЗОВ, «Carlsberg Group» гуруҳи Корпоратив коммуникацияларни мувофиқлаштириш кўмитаси раҳбари (Дания):

— Данияда яшовчи ватандошлар номидан Ўзбекистон Президентининг чет элдаги юртдошларимиз билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Ватандошлар" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори жуда муҳим ва бу ўз

вақтида қабул қилинган ҳужжат эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ушбу қарор дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қиладиган юртдошларимизнинг салоҳиятидан фойдаланиш, мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш, халқимизнинг бой маданий-маънавий меросини тарғиб қилиш нуктаи назаридан ҳам ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Яқин келажақда Дания ва Ўзбекистон ўртасида тадбиркорлик, инвестиция фаолияти ва илмий, маданий-маърифий ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек, ушбу мамлакатда яшаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Копенгагада ўзбекистонликлар жамоат бирлашмасини тузишни режалаштирмақдамиз.



МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ҲУЖЖАТ

Бахтиёр КАРИМОВ, Таиланд Республикасидаги «Rajabhat Valaya Alongkorn University Demonstration School» менежери ва катта ўқитувчиси:

— Биз, Таиланддаги ўзбекистонликлар мамлакатимиз Президентини қарори билан "Ватандошлар" фонди ташкил этилганини катта мамнуният билан қарши олдик.

Маъзур фонд чет элдаги ватандошларимизни жонанж Ватанимиз атрофида янада жипс бўлиб бирлашишимизга ҳизмат қилишига аминман.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида сўнгги йилларда хориждаги ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир пайтлари ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган, катта эътиборга молик ишлар ҳаётга татбиқ этилаётгани жуда қувонарли ҳолдир.

Мамлакатимиз етакчисининг ўзи бевосита ватандошлар билан мулоқот қилиши, доимо уларга ёрдам беришга тайёрглигини таъкидлаши амалий жиҳатдан ўз исботини топаётгани кундалик ҳаётимизда ҳис этиб турганимиздан бахтиёрмиз.

Булларнинг барчаси бизни хориждан турб юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўишга рағбатлантирмақда.

Исроил МАЖИДОВ, Ўмон Султонлигидаги ўзбек диаспораси фаоли:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватандошлар" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарори чет элда фаолият юритаётган барча ватандошларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Қарорда кўрсатилганидек, хорижда истиқомат қиладиган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қўмаклашиш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолганларни белгиланган тартибда моддий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш лозимлиги алоҳида белгиланган бўлиши ҳам, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир.

Бу, албатта, хорижда

бўлиб турган барча фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланганидан, мамлакатимиз ҳукумати жаҳоннинг турли қисмларида турган барча қатламга катта эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Ушбу фондга ўзбек халқининг ардоқли санъаткори Шерали Жўраевнинг раҳбар этиб тайинлангани бизни янада қувонтирди. Фонд жамоасига каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз мустақиллигини тобора яқинлаштириб келаётган 30 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этамиз.

«Дунё» АА.

ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА МУСОБАҚАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР 15 ТА МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ўзбекистон ёшлари ҳар соҳада илгариланган, ёрқин келажак сари дадил қадам ташлаётгани, ақл ҳамда юрак кучи билан ҳаётда ўз ўрнини топаётгани кўнгилни фахру ифтихорга чулғайди. Ҳаёт ҳамisha меҳнатига яраша рағбатлантиради одамни. Рағбат эгасининг кўзларига қоқиб келажакни, эртанги кунга ишончини илғаб олиш мушкул эмас.

Гурур

2021 йилнинг 2 — 8 август кунлари Болгарияда ўтказилган университет талабалари ўртасидаги 28-халқаро математика мусобақаси (IMC — International Mathematics Competition)да иштирок этган ҳар бир билимдоннинг чарқалаган кўзлари ҳам буни яққол ифодабди турарди. Ушбу олимпиадада 55 дан ортиқ давлатлардан 592 нафар талаба қатнашгани қарамай ёш математикларимиз ўз салоҳиятини намоён қилиб, 15 та медални қўлга киритишди.

Ушбу халқаро мусобақа чиндан ҳам мусорасиз кечди. Чунки бутун дунё университетлари, жумладан, Кембриж университети, Массачусетс технология университети, Карнеги Меллон университети (АҚШ), Москва физика-техника институти (Россия) каби қўллаб-қувватловчи олий ўқув юртиларидан ҳам талабалар ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Халқаро олимпиадада Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари Абдулқулов Аҳадов, Жасурбек Имомов, Мафтуна

Саматбоева, Урганчи давлат университети талабаси Исроилбек Исмоилов, Қорақалпоқ давлат университети талабаси Камал Саидов олтин медал соҳибларига айланган. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига муносиват тўғрисида, деб айтиш оламиз.

Бундан ташқари, 6 нафар қатнашчиси қўшма, 4 нафар билимдонимиз эса бронза медалга лойиқ қирилгани ҳам қувонарлидир.

— Ният ва амаллар одамни ғолибликка етаклайди. Олимпиада буни яна бир қарра исботлаб берди, — дейди ол-

тин медал соҳиб, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Жасурбек Имомов. — Ниятимиз ғолиблик эди. Бугун Ўзбекистон номини бутун жаҳонга таништи, унинг шону шавкатини кўтаришга қодир ўқил-қизлар сони кам эмас. Шу сафда бизнинг ҳам борлигимиз қувонч башх этиш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият юклайди. Билим ва салоҳиятимизни изчил ошириб бориб, юксак марралар сари дадил одимлайверамиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

МАҲСУЛОТНИНГ АСЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛИШ МУМКИН?



Маркировка тажрибаси

— Кейинги йилларда бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда маъзур соҳага жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, — дейди "CRPT TURON" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анатолий Бачикалов. — Чунки рақамлаштириш бизнес вақиллари ва аҳолига қулайлик яратиш баробарида, мамлакат иқтисодиёти тартибли ишлашга ҳам ёрдам беради. Бу жараёнда бизнинг жамиятимиз ҳам баҳоли қудрат иштирок этмоқда. Яъни биз Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги "Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги, 2020 йил 31 декабрдаги "Айрим турдаги маҳсулотларни

мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида фаолият юритаемиз.

Масалан, саноат индустрияси 4.0 Big Data — йирик маълумотларсиз ишлаш олмайд. Шу маънода, рақамли маркировкалаш ва қўзғатув тизими, аввало, маҳсулотлар ҳақида рақамли маълумотларни яратиш билан аҳамиятлидир. Давлат-хусусий шериклик асосидаги жамиятимиз

"Asl Belgisi" — рақамли маркировкалаш ва маҳсулотларни қўзғатиш миллий тизимини яратиш билан шуғулланади. Бу тизим мамлакат маҳсулот бозорини шаффоф қилишда ва товарлар ҳақиқийлигини кафолатлайдиган тўлақонли тизимни яратишга ёрдам бериб, импортчилар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Чунки 4.0 Big Dataдан фойдаланиш жараёнида маркировка қилинган товарлар айланишининг барча иштирокчиси бизнесини яхшилаш, харажатларини камайтириш билан бирга, ўз истеъмолчиларини яхшироқ тўшунади.

Хўш, "Asl Belgisi" қандай тизим ва у

тадбиркору истеъмолчига нима беради? "Asl Belgisi" — бу Ўзбекистондаги маҳсулотни маркировкалаш ва қўзғатиш тизими. Ундаги маҳсул рақамли код товарларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайди. Тизимнинг асосий вазифаси эса фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, сохта ва сифатсиз маҳсулотларга қарши курашиш ҳисобланади. "Asl Belgisi" маркировкалаш ҳамда маҳсулотни қўзғатиш мониторинг қилиш бўйича миллий ахборот тизими давлат ва хусусий шериклик асосида ишлайди.

Айтиш жоизки, Data Matrix рақамли белгилар маҳсулот қадонига ёки юзасига жойлаштирилади ва товар ҳақидаги барча маълумотни олиш имконини тақдим этади:

ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарилган ёки сотилмаган жой, сана ва вақт, яроқчилиқ муддати ҳамда стандарт рақам. Маълумотлар давлат ахборот тизимида сақланади. Ерликлаш эса оқонуний маҳсулотлар тарқалишининг олдини олади.

Жорий йил бошидан мамлакатимизда тамаки, алкоголь ва пиво маҳсулотларини маркировкалаш тизими татбиқ этилаётган бўлса, ёз ойларида бир неча таъриба лойиҳаларига старт берилди. Жумладан, июнь ойидан дори воситалари ҳамда тиббий маҳсулотлар, 15 июнь санасидан эътиборан сув ва яна ичимликлар, июль ойидан эса маъиш техникаларни маркировкалаш бўйича таъриба лойиҳалари бошланди.

Бундан ташқари, мутахассислар томонидан "Миллий каталог" лойиҳаси ишлаб чиқилганки, бу ҳам бозор иштирокчилари учун манзур бўлади. Миллий маркировкалаш тизимининг бир қисми ҳисобланган маъзур каталогда ишлаб чиқарувчилар и импорт қилувчиларнинг маркировкалаш режалаштирган маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар тўпланади ва текширилади. Маркировка қилини олишдан олдин ишлаб чиқарувчи (ёки импорт қилувчи) маҳсулотларга тегишли барча маълумотни каталогга киритади. Товарлар ҳақидаги маълумотни "Миллий каталог" веб-сайтида (<http://catalog.milliykatalogi.uz>) ҳам, штрих-кодларни сканерлаш ва маркировкаланган товарлар тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи "Asl Belgisi" мобиль илова-

сидан ҳам топиш мумкин. Бугунги кунда "Миллий каталог"га киритилган маҳсулот тўғрисидаги қарточкалар сони 4 минг 600 дан ошган.

"Asl Belgisi" мобиль иловаси эса маҳсулотнинг қўнунлигини текширишни, ўзингиз ва яқинларингизга ишончли маҳсулотларни сотиб олиш учун улар ҳақидаги барча маълумотни билиб олишни осонлаштиради. Асосийси, Давлат бюджетига солиқ тушуми анча ошади. Сабаби харид қилинган ҳар бир маҳсулот тўғрисидаги хабар ва солиқ тушуми Давлат солиқ кўмитасига қўриб тушади.

Умуман, маъзур тизим истеъмолчига қўнуний ва асл товарларни сотиб олишга ишонч, ҳаёт ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш, жамоат назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўл келса, бизнес вақиллари учун даромадини кўпайтириш, ҳалол рақобатни ошириш, жараёнларни оптималлаштириш, харажатларни камайтириш, таъминот "занжири" бўйлаб маҳсулотларнинг ҳаракатланishi тўғрисидаги маълумотларга қиришга ёрдам беради. Давлат эса "қора бозор"ни йўқотиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, солиқ ва боқжона тўловларни кўпайтиш, товар бозорларини назорат қилишни таъминлаш учун бюджет маблағларини тежашда манфаатдор бўлади.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Мушоҳада

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДУНЁҚАРАШИ ЎЗГАРИБ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Тарих саҳифаларини varaқласак, бугун биз яшаб турган "Ўзбекистон" деб аталмиш мамлакат ўз даврида жаҳон тамаддунига қўшган бемисл ҳиссаси билан дунё эътибор марказида бўлган. Бу муқаддас заминда яшаган улуг аждодларимиз ҳозирги замонавий илм-фанга пойдевор қўйиб, қомусий ишлари, ихтиролари билан инсоният тарихида ўнмасиз э қолдирди. Шу боис ҳам Фарб оламида "Нур — Шарқдан" деган ҳақли ибора пайдо бўлган.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳирриддин Муҳаммад Бобур каби бобо-калонларимиздан қолган илмий-маънавий мерос Шарқ Уйғониш даври дурдоналари мақомида дунё ақли томонидан ҳақли равишда тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига туртки бергани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бу, албатта, катта ифтихор ва гурур бағишлаши билан бирга, бизни яна ўша улуг қўққлар сари илҳомлантириши турган гап. Қолаверса, биз бунга ҳар томонлама ҳақлимиз. Шу сабабли ҳам Президентимиз томонидан учинчи Ренессанс учун старт берилди, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи марта "Марказий Осиё Уйғониш даврининг қўллаб-қувватлаш доираси" деб атади. Бу борада салмоқли ишларга қўл урилди.



лаётган тарихий ўзгаришларни аҳолиимиз дилдан ҳис қилмоқда. Хусусан, иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, шаҳримиз кўча ва маҳаллалар обод ҳамда кўркам бўлмоқда — мактаблар, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари қури-лаётир, маъмуллар замонавий қилиб таъмирдан чиқарилапти. Кейинги йилларда айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 90 минг аҳолига хизмат қиладиган шаҳар тиббиёт бирлашмаси барча бўлими янгилангани, улар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари — лапароскопи, УТТ, ЭКГ апа-ратлари билан таъминланганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Бугун қаттакўрғонликлар замонавий ва сифатли тиббий хизматдан мамнун.

Айниқса, аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатлам-ини, хусусан, ёш авлодини қўллаб-қувватлаш доимий эътибор марказида бўлиб келатганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Биргина "ёшлар дафтра"га киритилган йигит-қизларнинг қанча-қанчаси эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ ўз иш жойи ва даромад манбаига эга бўлди.

Шуларга мос ҳолда ёш авлодининг таълим-тарбия оли-шига ҳам долзарб масала сифатида қараб келинмоқдаки, бу аллақачон ўз самарасини бераётир. Таълим муассасаларида олиб бориладиган қури-лаш-таъмирлаш ишлари ва соҳа фидойилари саъй-ҳара-катлари билан умумтаълим муассасалари рейтингида Кат-тўғрғон шаҳри мамлакат миқёсида 3-ўринни эгаллаган-лигини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Умуман олганда, кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Каттатўғрғон шаҳрида ҳам ул-кан ишлар амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг 30 йил-лиги арафасида бу ютуқлари-мизни эслаётганимизнинг боиси битта. У ҳам бўлса, му-ваффақиятларимиздан фахр ва гурур туйиш баробарида, янги-янги марралар сари дадил интилишдир. Зотан, ўз ютуқ-ларини яхши билган киши кам-чилигини ҳам билади ва шун-га қараб, маррани янада ба-ландроқ олади.

Гавҳар АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Каттатўғрғон шаҳри ҳокими.



1

Ўзбекистондаги барча ўзгаришлар меҳвариди нур сочиб турибди

Буни таълимдаги туб ислохотлар мазмун-моҳиятидан ҳам англаб олиш мумкин. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини чуқур жорий қилиш, билим беришининг самарали ёндашувлари ва илгор услубларини ишлаб чиқиш, шу орқали ўсиб келаётган ёш авлодни жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан яқиндан таништириш, салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар фикримизни тасдиқлайди.

Зеро, глобаллашув даврида замон билан ҳамнафас яшаш, инновациялардан ортида қолиб кетмаслик, балки уларни яратиш, асосийси, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш оқсак тараққиётнинг бош омилга айланиб улгурган. Маълумотга қараганда, айни пайтда дастурий таъминот мутахассислари, муҳандис-дизайнерлар, лойиҳачилар, конструкторларнинг дунё бўйича меҳнат унвдорлигини тубдан оширишдаги роли инқилобий равишда ўсиб бормоқда. Бу келажақ ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси даргалари қўлида эканлигини англатади.

Келажақ талаблари ва хатарларига муносиб жавоб бериш керак

Хозирда АКШ, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Фарбий Европанинг илгор давлатлари ушбу масалага ҳар қанчонгидан кўра катта аҳамият қаратаётгани бежиз эмас. Масалан, Францияда болалар мактабга уч ёшида бориб, 18 ёшида физика ва математика бўйича тўлиқ кўникмаларни ўзлаштириб улгурди. Россияда эса ўғил-қизлар 23 ёшида, яъни олий ўқув юртини битириб, шундай даражага етишар экан.

Нега энди фаранглар бунча шошяпти дерисиз? Гап шундаки, янги замонда авлодлар алмашинуви ҳар йигирма йилда руй бераётган бўлса, технологиялар сил-силаси беъ-олти йилда ўзгариб кетаёти. Инсоният эса бунга биологик жиҳатдан улгурishi қийин кечмоқда. Шунинг учун бу борада француз модели қўйилчида қизиқиш уйғотилган. Зотан, бугунги кунда иқтисодийнинг нормал фаолият юртиши учун меҳнат қилаётган кадрларнинг 4,5 фоизини ИТ-мутахассислар ташкил этиши ҳисоб-лаб чиқилган. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 3 фоиздан 5 фоизгача етиши ҳам шундан далолат беради.

Коллаверса, сайёранимизда кечаётган сунги ўзгаришлар қатор янги мезонлар, талаблар ва хатарларни юзага келтирмоқда. Бу бир томондан имкониятлар, бошқа тарафдан хавотирлар сонини оширади.

Шу нуктага назардан келиб чиқиб, қатор трендларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, иқтисодий трендлар янги касбларнинг пайдо бўлиши, ўз-ўзини банд қилиш қўламининг ошиши, корпоратив бўлмаган сектор, хусусан, free-lance ва e-lance соҳаларининг ўсиши, меҳнат бозориди муваффақият қозониши учун муайян касб эмас, балки аниқ кўникмаларнинг муҳим аҳамият касб этиши билан намоён бўлмоқда.

Коллаверса, экспертлар томонидан иқтисодий ўсиш ва меҳнат унвдорлигининг пасайиши, ишсизлик иқтисодий хатарлар сифатида келтириб ўтилган. Буларга қарши ягона ечим сифатида эса инсон капитали кўрсатилган. Зеро, янги технологияларни ўзлаштириш, ижтимоий ва иқтисодий сийсатни интеграция қилиш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Тараққиётдан ортда қолиш, янги технологиялардан фойдаланиш имкониятини чекланганлиги ва бу борадаги қийинчиликлар, маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ хавфсизликка таҳдидлар эса технология хатарлар сифатида қайда этилган. Прогнозларга кўра, 2025 йилга келиб компьютерлар 140 миллионга интеллектуал меҳнат мутахассиси ишини бажаради. Бу қатор касблар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг йўқолиб кетишини англатади. Боз устига, бугун технологиялар мисли кўрилмаган даражада тез ривожланмоқда. Бу эса алоҳида индивид, компания ва умуман, давлатнинг ушбу ўзгаришларга мослашишини нияҳтда қийинлаштириб юборади. Шундай экан, айнан технология қанчалик ижтимоий тараққиёт ҳақидаги тасаввурларни ўзгариштириб бораётган давр қаҳриғи сифатида қабул қилинганлиги ва мутлақо янгиҳа парадигмаларни тақлиф этмоқда. Бу трансформациялар марказида эса инсон турибди.

«Илмни кадрланг, илмга интилинг!»

Ўзбекистондаги сўнгги тенденциялар эса буларнинг барчаси инобатга олинаётганидан дарак беради. Айнан маърифат ва инновациялар ушбу жараёнлар меҳвариди нур сочиб турибди. Яъни учинчи Ренессанс дискурси айнан билимга асосланмоқда.

Президент ёшлар билан ҳар гал учрашгандан «Илмни кадрланг, илмга интилинг!» дея алоҳида даъват этаётгани бежиз эмас. Сабаби, дунёда ўқиган,

замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ёш авлодни айни шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шундай оқсак даражаларга кўтарилиши учун барча имконият ишга солинаётганининг боиси ҳам шунда.

Кейинги беш йилга берилган ўзаро манتيқий боғланиб кетган номлар, шу бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ва уларнинг изчил ижроси ҳам юқорида айтиб ўтилган замонавий трендлар ҳамда хатарларга қарши муносиб жавобга айланапти. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари, Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш, Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилларида бошланган ислохотлар Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йиллида узвий давом эттирилмоқда.

Юртбошимиз томонидан ҳар бир йил учун тараққиётга хизмат қилувчи фанлар ривожига ургу берилётгани ҳам дунё амалиётларида ноб ҳодисадир.

Утган йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари қўрилди. Жумладан, 98 та иқтисослаштирилган мактаб ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта қўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Ушбу анъана жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Президентимиз бу ҳақда шундай таъкидлаб ўтди: «Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамыз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, ИТ, сув ва энергияни теҳайжидан технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишёр Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, «**Қуёшлик истасанг, касби камол эт**», деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беиминат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

Хозирги даврда хорижий тилларни му-

қўйилди. Терма жамоани яхшироқ тайёрлаш учун чет элдан алоҳида тренерлар жалб қилиш имкони яратилди.

Қарорга мувофиқ, халқроқ фан олимпиадаларининг олтин медали соҳиби 122 миллион сўм, ўқитувчиси 110 миллион сўм, қумуш медали соҳиби 73 миллион сўм, ўқитувчиси 61 миллион сўм, бронза медали соҳиби 49 миллион сўм, ўқитувчиси 36 миллион сўм пул мукофотларига эга бўлади.

Илгарилари бундай рағбат фақат спортчиларга тақдим этилган, интеллектуал мусобақаларда зафар қўчганлар эса фахрий ёрликлар, телевизор ёки бошқа техникалар билан тақдирлангани ҳисобга олинмаса, деярли эътибордан четда қолиб кетарди.

Янги Ўзбекистонда муваффақиятга эришган ҳар қандай ёш эса ўзини улкан моддий-маънавий стимул қутиб турганини ҳис этмоқда. Навкирон авлодда мана шундай прагматик дунёқарашнинг шаклланаётгани ҳам уларни ўз устида тинимсиз ишлаш сари руҳлантирса, ҳам оиласи ва жамиятга жуда катта наф келтирарди. Бундай эзюк ва билимдон фарзандлардан эса ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Ёнғоқнинг иккинчи палласи

Иккинчи тарафдан бу таълим ва АКТни уйғушлаштириш, ёшларнинг прогрессив таъбабусларини рўёбга чиқариш борасида аниқ амалий механизмлар ҳаётга татбиқ этилаётгани билан боғлиқдир. Бу ҳудди ёнғоқнинг иккинчи палласи, тарозининг иккинчи посангиси каби муҳим мезондир.

Сабаби таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш, самарали дастурларни ишлаб чиқариш, ёшларнинг ўқиш мотивациясини ошириш, ўқув вақтини тежаш, тезроқ тушуниш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Мактаб ўқувчиларини ИТ соҳаси билан таништириш юқоридаги трендларга мос, ҳар қандай хатарларга қарши тура оладиган кадрларни тайёрлашнинг муҳим шартидир.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, республика бўйича 146 та рақамли технологиялар ўқув мар-

ҳокимлари эса ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап лойиҳалари танловини жорий қилиб, ҳар бир тумандан камиди учтадан голибга маҳаллий бюджетдан грантлар бериб боради. Битта грантнинг сўммаси ўртача 50 миллион сўмни ташкил этади.

Олий ва касб-ҳунар таълими соҳаси ҳақидаги фикрларни давом эттирадиган бўлсак, бугунги кунда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида 19 мингга яқин талабалар тахсил олмақда. 2021/2022 ўқув йилидан эса университетимизнинг Нурафшон филиали иш бошлаб, қўшимча равишда ҳар йили 250 нафар олий маълумотли кадр тайёрлаш йўлга қўйилади.

Янги ўқув йилидан профессионал таълим йўналишида кадрлар тайёрлайдиган 11 та техникум очилиб, уларнинг сонига 14 тага етказилади. Уларда ўртача 350 нафарга яқин (жами 4 минг нафар) ўқувчилар тахсил олиши назарда тутилган.

ИТ-паркда нима гаплар?

Маълумки, 2019 йил 24 июль кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасидаги биринчи ИТ-парк (Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари теҳнологик парки) очилди. У давлат раҳбари ташаббуси билан стартап экотизимини ва стартап лойиҳаларни такомиллаштириш, уларни мамлакатимизда амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

Бу Президентимизнинг 2018 йил Ҳиндистон Республикасига ташрифи чоғида ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича тузилган битимлар ижроси билан бевосита боғлиқдир. Ушунда Ҳиндистон ИТ компаниялари томонидан дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва стартапларни жадаллаштириш борасидаги энг яхши амалиётлар асосида мамлакатимизда ахборот технологиялари паркин яратишга қизиқиш билдирилган эди. Ҳиндистон дунё ИТ мутахассислари сегментини қандай ўрнга эга эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 6 октябрда «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланиши бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириб юборди. Хусусан, унинг доирасида мамлакат бўйлаб 14 та иқтисослаштирилган ИТ-мактаб очилди. 2021/2022 ўқув йили охирига қадар бундай замонавий ўқув даргоҳлари сонига юртимиз бўйлаб 80 дан ортади, 2023/2024 ўқув йили охирига келиб эса 205 тага қўлайтирилади.

Уларнинг битирувчилари эса бутун мамлакат бўйлаб очиладиган ИТ-марказларда ўқишни давом эттириш ва ахборот технологияларини чуқур ўрганиш имкониятини қўлга қиритади. Бугунги кунда юртимизда ИТ-марказлар сонига 147 тани ташкил этаётган бўлса, жорий йилда уларнинг сонини 205 тага етказиш, янги иш ўринлари яратиш, кўпроқ ёшларни қамраб олиш мақсад қилинган.

Шу ўринда Ўзбекистонда «One Million Uzbek Coders» кенг қўламли лойиҳасига батафсил тўхталиб ўтиш жоиз. Унда утган иккинчи йил давомида қарийб 470 минг фойдаланувчи рўйхатдан ўтиб, деярли 250 минг талаба гувоҳнома ва 176 мингдан ортиғи битирувчи сертификатларини олди. Мазкур бепул таълим платформаси малакали халқроқ экспертлар видео-дарсларини қамраб олган ҳолда ёшларга маълумотлар тахлили, дастурлашнинг асосий тушунчалари, мобил ёловалар яратишни ўргатиб келмоқда.

Асосий курсларни тутатгач, фойдаланувчиларга «Udacity Nanodegree» гранти эгаси бўлиш имконияти берилди. Бу эса уларга лойиҳа доирасида янада илгор даражада сабоқ олиш эҳкилларини оцади. Бугунги кунда бундай грант эгалари сонига 250 нафардан ортиқни ташкил этади.

Бундан ташқари, талабаларда тадбиркорлик қайғитинини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг 16 та олий ўқув юртида ИТ-парк ташаббуси билан инкубация марказлари очилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сўнгги икки йил ичида Гулистон, Марғилон, Андижон, Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Бухоро каби вилоятларда ИТ-паркнинг 7 та филиали очилди. Ўз навбатида, мутахассисларга юқори сифатли инфратузилмани таъминлаш учун Ўзбекистонда (ҳар бир ҳудудда биттадан) жами 14 та ИТ-парк филиалларини очиб режалаштирилган.

Улар узлуксиз электр таъминоти, тезроқ интернет, кондиционер, ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология ускуналари ва хавфсизлик билан таъминланган, мутахассисларга қулай ва унумли меҳнат қилиш учун барча шaroит яратилган.



Резидентлар АКШгача кириб боришди

Бугунги кунда 453 та компания ИТ-парк резиденти бўлиб, уларнинг 17 таси хорижий капиталга эга хорижий таъсисчилар томонидан ташкил этилган. 2019 йилда ушбу парк резидент компанияларининг ИТ маҳсулотлари экспорт ҳажми 6,2 миллион АКШ долларига етган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 16,4 миллион долларгача ошди. 2021 йилнинг биринчи ярмида 17 миллион долларга етди, йил охирига келиб бу рақам 40 миллион долларга ўсиши кўтилмоқда.

Ўз навбатида, 2019 йилда ахборот технологиялари соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 529,1 миллиард, 2020 йил якунларига кўра эса 191 фоиз ошиб, 1 триллион сўмдан ортиқни ташкил этди. 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 650 миллиард сўмга етган бўлса, жорий йил сўнгигача уни 1 триллион 400 миллиард сўмга олиб чиқиш мақсад қилинган.

Утган йили АКШнинг Делавер шаҳрида Ўзбекистон ИТ компанияларига Америка ички бозорига кириш учун шарoит яратиб берувчи ИТ-парк ваколатхонаси очилганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Унинг асосий вазифаси — ички маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш учун қўлай шарт-шaroитлар яратиш, уларни рағбатлантириш, реклама кампанияларини ўтказиш, бююрт-маларни қидириш, АКШ мижозлари ва ИТ-парк резидентлари ўртасида шартномалар тузишда ёрдам беришдир.

Ваколатхона ҳар икки томон — бююрт-мачи учун баҳариларни ишнинг сифати, пудратчига эса баҳарилар иш учун ҳақ тўлаш бўйича ҳам қўлай вазифасини бажаради. Бунинг учун халқроқ стандартларга жавоб берадиган сууртга ва қадрoлг тизимлари жорий этилган.

Эътиборлиси, ИТ-парк корпоратив инновациялар доирасида ҳам фаол иш олиб бoрляпти. Бу компанияларга ривожланиши учун янги гоё ва имкониятларни амалиётга татбиқ қилиш жараёнини ўз ичига олади. Мазкур соҳадаги қатор форумлар ҳақонлар, танловлар, дастурлар, иқтисослаштирилган кўргазмалар, ИТ соҳасида стартап экотизими ва тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича тадбирлар шаклида ўтказилди. Ташкилот томонидан маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда жами мукофот жамғармаси 7 миллиард сўмдан ортиб бўлган 30 дан зиёд йирик лойиҳалар амалга оширилгани ҳам шундан далoлoт беради.

Ҳар кимнинг ўз чўққиси бор

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ИТ паркин яратиш борасидаги ташаббуси иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илгор гоғларини рўёбга чиқариш орқали мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг энг муҳим ва асосий жиҳатларидан бирига айланмоқда. Парк Ўзбекистоннинг Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлигида ИТ-етақига айланишини таъминлаш учун тинимсиз изланишни мақсад қилинган.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун Ўзбекистонда мутлақо янгиҳа фикрлайдиган, замон талаблари билан ҳамқадам янги авлод воғга етмоқда. Улар яратиб берилган шарoитлардан оқилона фойдаланган ҳолда янги технологияларни ўзлаштиришга ташна, ИТ ва илм-фан инқилобларининг фаол иштирокчиларига айланиб бoрляпти. Бунинг учун ёш ўғил-қизларда рағбат ҳам, янгиликка ўқлик ҳам, ўйқудан воз кечиб, ўйқоғ сўзлар айтиш ва фойдали амаллар қилишга бўлган қучли иштиёқ ҳам етарлидир.

Улар бугун янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни яратаятган етакчидан чексиз илҳом олишмоқда.

Машҳур ёзувчи Бернард Шоу айтганидек, «Бу дунёда чўққига қадар етиб борган одамлар ерталаб ўрниларидан турган захоти ўзлари истоган шарoитларни излаган, тополмагач эса уларни ўзлари яратган одамлардир». Биз бугун ана шундай одамлар билан ёнма-ён яшаймиз. Уларнинг орасида эса ёшлар жуда кўп.

Юртимизда ҳар бир инсон ўз чўққисини забт этиши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ!

Бахтиёр МАҲКАМОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети ректори в.б.

■ Таълим

Қорақалпоғистон Республикасида эзгу ташаббусга қўл урилди. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Тўртқўл туманида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг корпоратив бошқарув факультети филиали очилди.

Янги факультет филиали — имкониятлар майдони

Тумандаги банк коллежи ўрнида бунёд этилган мазкур мажмуа салкам икки гектар майдонга эга бўлиб, у ўзида иккита ўқув биноси, ахборот-ресурс маркази, ошхона, спорт мажмуаси, талабаларни мураккаб қилиб қилибди.

— Филиал очилиши нафақат қорақалпоқ, балки хоразмлик ва бухоролик ёшларни ҳам жуда мамнун қилди. — дейди иқтисодиёт фанлари номзоди Рўзимбой Қурбонов. — Бу йил ушбу филиалга қундузги ҳамда сирқти таълим йўналишлари бўйича иккинчи мутахассисликка белгиланган тартибда талабалар қабул қилинади. Ўз навбатида, бу ёшларни олий таълимга қараб олиш даражасини ошириш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳати, иқтисодиёт, банк иши ва аудит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича қўшни давлатлар, хусусан, Туркменистон фуқаролари учун ҳам қабул бошланади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда факультет филиали биносиди мономарказ фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда ёшлар ўз билим ва тажрибасини ошириш барoбарида, касб-ҳунарларга ўқитиляпти.

Маълумотларга кўра, ўқув биносининг лойиҳавий қуввати 600 та ўринни, амалда эса бир сменда 720 та ўринни ташкил этади. Бу мазкур бионинг нафақат факультет, балки университет филиали бўлиши учун ҳам имконияти етарли, дегани. Шундан келиб чиқиб, келгусида замонавий мажмуани ТДЎИУнинг филиалга айлантириш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligining
Sanitariya, gigiena va kasb
kasalliklari ilmiy-tadqiqot
institutini bo'sh ish o'rnlari
uchun tanlov e'lon qiladi:

— Pestitsidlar va mineral o'g'itlar gigienasi va toksikologiyasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS), professor.

— Bolalar va o'spirinlar gigienasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS), professor.

— Oziq-ovqat gigienasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS); professor.

— Gigiena bo'yicha biomedical tadqiqotlar laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS), professor.

— Kasb kasalliklarini tashhislash, davolash va profilaktikasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS), katta ilmiy xodim.

— Fizik omillar gigienasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS), katta ilmiy xodim.

— Suv, tuproq, atmosfera havosi gigienasi va sanitariya mikrobiologiyasi laboratoriyasi mudiri: biologiya fanlari doktori (DcS), katta ilmiy xodim.

— Mehnat gigienasi va fiziologiyasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari nomzodi (PhD), katta ilmiy xodim.

— Aholi punktларini, turarjoy va jamoat binolarini rejalashtirish gigienasi laboratoriyasi mudiri: tibbiyot fanlari doktori (DcS).

Nomzodlar uchun umumiy talab:
14.00.07 ixtisoslik kodi — Gigiena, belgilangan sohalarida ish staji — kamida 5 yil.

Tanlov muddati — e'lon chop etilgandan so'ng bir oy.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси акциядорлик жамияти жамоаси жамиятининг Экспорт қалтисцикларини суғурталаш департаменти менежери Умида Мусалиевага отаси

АБДУАЗИЗ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; *Эълонал* 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун буюбини расмийлаштирилган тақрирлар жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6